

## 98/15М-СОНЛИ ҲИСОБ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

«18» Январь 2022 й.

Бундан буён матнда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи «АВК-MEDICAL» МЧЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Баш директор Эргашев Б.Н. бир томондан ҳамда бундан буён матнда «ХАРИДОР» деб аталувчи Хоразм вилояти болалар сил касалликлари санаторияси номидан асосида ҳаракат қилувчи Махнатов М.И. иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

- 1.1** Етказиб берувчи Маҳсулотни (кейинги ўринларда "Маҳсулот" деб юритилади) тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади, Харидор эса мазкур шартнома шартларига мувофиқ Маҳсулот ассортименти ва баҳосига биноан Маҳсулотни қабул қилиб олиб ҳақини тӯлаш мажбуриятини олади.

**1.2 ТАФСИЛОТЛИ РЎЙХАТ**

№	Маҳсулот (иш, хизмат) номи	Үлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚС қўшилган етказиб бериш қиймати
						Микдори	Баҳоси	
1	АБК Хлорактив 1кг (таблетки)	дона	30	63 500	1 905 000	15%	285 750	2 190 750
Жами:					1 905 000		285 750	2 190 750

- 1.3** Маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари ёки бошқа меъёрий хужжатларига жавоб бериши шарт.

**2. ШАРТНОМА УМУМИЙ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 2.1** Мазкур шартноманинг ҚҚС қўшилган умумий баҳоси 2 190 750 (Икки миллион бир юз тўқсон минг етти юз эллик) сўмни ташкил этади.

- 2.2** Мазкур шартнома бўйича етказиб берилаётган маҳсулот учун тўлов шартнома имзолагандан 10 банк куни мобайнида ёки тўлов ҳисобини тақдим қилиш пайтидан 5 банк куни мобайнида шартнома баҳосининг олдиндан 30%ни, қолган 70%ни эса ҳисоб-фактура олгандан сўнг 15 календар кун мобайнида Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

**3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ**

- 3.1** Мазкур шартнома бўйича маҳсулот етказиб берилиши Етказиб берувчи ҳисоб рақамига пул тушгандан сўнг 10 банк куни мобайнида амалга оширилади.
- 3.2** Етказиб бериш шартлари – Харидор ўзининг кучи ва ҳисобидан Маҳсулотни Етказиб берувчининг омборидан олиб кетади.
- 3.3** Маҳсулотни қабул қилиш вақтида Харидор Етказиб берувчининг иштироқида маҳсулот бутлиги ва сифатини текшириши шарт, бундан кейин маҳсулот бутлиги учун жавобгарлик Харидорга ўтади.

**4. ЖАРИМАВИЙ САНКЦИЯЛАР**

- 4.1** Мазкур шартноманинг 2.2. бандида назарда тутилган тўлов муддатларни бузганлик учун Харидор Етказиб берувчига тўлови кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи микдорида, лекин шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.
- 4.2** Етказиб берувчи етказиб бериш муддатларни бузганлик учун Харидорга кечикирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоизи микдорида, лекин ушбу маҳсулот баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.
- 4.3** Мазкур шартнома тарафлари ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.
- 4.4** Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалаларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августандаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш тутадилар.

**5. ФОРС-МАЖОР**

- 5.1** Тарафлар енгид бўлмас куч (табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳукумат тақиқловчи қарорлари) оқибатида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

73025